



Т О Ш К Е Н Т О Қ Ш О М И

2010 йил 6 МАЙ, ПАЙШАНБА

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 87 (11.648)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қайд этиб ўтилсинки, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Хомийлик кенгашининг 2010 йил 11 мартдаги қарорига мувофиқ республиканинг барча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорт объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлиги кенг миқёсда текширувдан ўтказилди.

2003-2009 йиллар мобайнида Жамғарма маблағлари ҳисобидан республикада намунавий лойиҳалар бўйича 1117 та болалар спорт объектлари барпо этилди ва фойдаланишга топширилди, шулардан 917 та спорт иншооти (82%) қишлоқ жойлардадир. Фойдаланишга топширилган барча спорт иншоотлари тасдиқланган нормативлар бўйича спорт анжомлари билан тўлиқ таъминланган.

Ҳозирги вақтда спорт секциялари ва гуруҳларида мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларининг 2,1 миллионга яқин ўқувчиси мунтазам шуғулланиб келмоқда, шуларнинг 35 фоизини қизлар ташкил этади. Натижада мактаб ёшидаги болалар ўртасида касалликка чалиниш анча камайди, уларнинг фаоллиги ва жисмоний маданияти ошди.

Шу билан бирга, текшириш якунларига кўра бир қанча жиддий нуқсон ва камчиликлар аниқланди.

Фойдаланишга топширилган болалар спорт объектлари, айниқса алоҳида жойлашган объектлардан ҳали етарлича самарали фойдаланилмапти, мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмапти. Эскирган спорт анжомлари ва ускуналарини янгилаш ҳамда алмаштириш ўз вақтида таъминланмапти. Барпо этилган сузиш ҳавзалари имкониятларидан паст даражада фойдаланилмоқда.

Болалар спорт объектларини тренерлар, айниқса хотин-қиз тренерлар билан таъминлаш ишлари етарлича олиб борилмапти. Қашқадарё, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида шундай ҳоллар мавжуд.

Ўқувчи-ёшларни спорт билан мунтазам шуғулланишга аввало Андижон, Навоий, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларида кенг жалб этиш бўйича тушунириш ишлари сусти олиб борилмоқда. Қизларни, айниқса қишлоқ жойларда спорт билан шуғулланишга жалб этиш борасидаги ишлар ҳали-ҳамон қоникарсиз ахволда.

Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, болаларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга жалб этишни кенгайтириш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан фойдаланишга топширилган болалар спорт объектларининг жорий ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини кенг миқёсда текширувдан ўтказган махсус комиссиянинг ҳулосалари маълумот учун қабул қилинсин.

Ун кун мuddатда республиканинг бар-

ча ҳудудларида Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари раҳбарлик қилаётган минтақавий филиаллари Хомийлик кенгашларининг мажлисларида текшириш натижалари танқидий муҳокама қилинсин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Урта махсус, касб-хунар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги раҳбарлари текшириш натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўрсинлар, бунда мазкур ишлар тизимли, мунтазам асосда ўтказилиши лозимлиги назарда тутилсин.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2010 йилнинг 1 июлигача бўлган мuddатда Вазирлар Маҳкамасига маълумот берилсин.

3. Ишга туширилган болалар спорт объектларидан самарали фойдаланиш биринчи даражада вазифа деб ҳисоблансин, болалар ва ўқувчи-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга оммавий равишда жалб этиш борасида қилинаётган барча ишларнинг натижалари, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси олдида кўйилган мақсадларга эришиш тўлиқ даражада мазкур вазифани амалга оширишга боғлиқдир.

Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликларининг, таълим органларининг, республика ва вилоят спорт федерацияларининг, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда мазкур иш учун жавобгар бўлган бошқа жамоат тузилмаларининг фаолиятига болалар спорт объектларидан фойдаланишнинг ҳолатига қараб баҳо берилсин.

4. Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини баҳолашнинг энг муҳим мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

Биринчидан, спорт билан шуғулланишнинг оммавийлиги — умумтаълим мактаблари, касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар ўқувчиларининг спорт билан мунтазам шуғулланишга қамраб олиниши даражасининг ўзгариши;

Иккинчидан, ўрнатилган нормативлардан келиб чиққан ҳолда, болалар спорт объектларининг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиш даражаси;

Учинчидан, болалар спорт объектларининг, тасдиқланган нормативларга мувофиқ, таълим муассасаларида юқори малакали, профессионал тайёрланган тренер кадрлар ва жисмоний тарбия ўқувчилари, шу жумладан хотин-қиз тренерлар билан таъминланганлиги;

Тўртинчидан, спорт объектларидан фойдаланиш даражаси — сутка ва ҳафта мобайнида ҳар хил спорт турлари бўйича ўтказиладиган мунтазам машғулотлар соати миқдори, ўтказилган спорт тадбирлари сони ва бошқалар;
(Давоми 2-бетда).

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Қарор ва ижро

СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

Президентимизнинг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш йўлида шаҳримиздаги корхоналар томонидан ҳам ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

«Шарқ гули» масъулияти чекланган жамиятида азалдан касаначилик ривожига эътибор қаратилган бўлиб, ҳозирги пайтда уй шароитида 40 нафар киши меҳнат қилмоқ-

да. Иш қуроллари ва хом ашё билан корхона томонидан мунтазам таъминланаётган касаначилар буюртмаларни сифатли бажаришмоқда. Корхонада ўтган йил

баракали келиб, бозор ва харидор талабидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга муваффақ бўлинди.

(Давоми 2-бетда).

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ФАХРИЙЛАР ДОИМО ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 мартда қабул қилинган «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 65 йиллиги нишонлиниши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини муқофотлаш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ жойларда фахрийларга юбилей медаллари ва пул муқофотларини тантанали топшириш маросимлари бўлиб ўтмоқда.

Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси томонидан ташкил этилган ана шундай тадбирда тиббиёт соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилиб, бугун кексалик гаштини сураётган уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва жамоат ташкилотлари, тиббиёт муассасалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Врачлар ассоциацияси раиси А.Худойбергандон Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида уруш ва меҳнат фахрийлари, ёши улугларни эъзозлаш, ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда уларнинг бой ҳаётий тажрибаси катта мактаб эканини таъкидлади.

— Менинг ёшлигим сурони йилларга

тўғри келди, — дейди Иккинчи жаҳон уруши фахрийси Мавлуд ота Фуломов. — Фрондан ярадор бўлиб қайтган, Тошкент тиббиёт академиясида таҳсил олдим ва кейинчалик шу соҳада ёшларга таълим-тарбия бердим. Тиббиётимизнинг бугунги равнақини, мамлакатимизда ёшлар учун яратилган кенг шароитни кўриб қувонаман. Уларни тинч ва дорилмомон кунларнинг қадрига етишга, яратилган ҳар бир имкониятдан оқилона фойдаланишга даъват этман.

Тадбирда уруш ва меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди, санъаткорлар ва ижрочи ёшлар иштирокида концерт намойиш этилди.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА мухбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ ИККИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИНING ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг иккинчи ялпи мажлиси эртага — 2010 йил 7 май куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Аxbотот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ** куни муносабати билан "Шош" гузарига Хамза тумани ҳокимлиги томонидан "Нуроний" жамғармаси билан ҳамкорликда уюштирилган тадбирда 350 дан зиёд уруш ва меҳнат фахрийлари қутланди.

✓ **ЎЗБЕКИСТОН ИИБ** академиясида уюштирилган илмий-амалий анжуман «Баркамол авлодни шакллантиришда ҳуқуқий тарбиянинг аҳамияти» мавзусига бағишланди.

✓ **ТОШКЕНТ** Архитектура ва қурилиш институтида «Супер талаба» кўрик-танлови Шайхонтохур тумани хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда ўтказилди.

✓ **СЕРГЕЛИ** туманидаги 21-музыка ва санъат мактабида мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланган концерт дастури санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди.

XXI сadosи

аср
БАРЧА МАНБАЛАРДАН
ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде «Қамолот» ЁИХ ва Халқ таълими вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилган «Аждодлар мероси — келажак пойдевори» танловининг якуний bosқичи бўлиб ўтди. Ижодий беллашувда Наманган вилоятининг «Бобур Мирзо» жамоаси голибликни қўлга киритди.

• Олтинсой туманидаги «Марказ» маҳалла фуқаролари йигинида 7 гектар майдонда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Бу ерда қишки ва ёзги тўйхоналар, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, 60 ўринли меҳмонхона, стоматология бўлими, бир нечта дўконлар каби кўплаб иншоотлар қурилади. Натижада 500 нафардан ортиқ ёшлар учун иш ўринлари очилади.

• Марғилон шаҳрида лицей ва коллеж ўқувчилари ўртасида «Сиз қонунни биласизми?» кўрик-танлови бўлиб ўтди. «Қамолот» ЁИХ шаҳар кенгаши, прокуратура ва ички ишлар бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур танловда 10 та жамоа ўзаро куч синашди.

• Баркамол авлод йилига бағишлаб Соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси Тошкент вилоят кенгаши томонидан тиббиёт ходимлари ўртасида минни-футбол бўйича мусобақа ташкил этилди.

• Жиззах вилоятида Баркамол авлод йилининг дастлабки чорагида ёшлар учун 4 минг 400 дан ортиқ иш ўрни яратилди. Уларнинг 600 дан зиёди янги корхоналарни ишга тушириш, мавжуд ишлаб чиқариш объектларини кенгайтириш ва қувватини ошириш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан ташкил этилди.

• Олтинкўл тумани Оқтепа қишлоғида «Андижончарм» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг дастлабки bosқичида 52 та янги иш ўринлари яратилди. Айни пайтда корхонада ойига 15-20 минг дон терини ошлаш имконияти мавжуд. Корхона тўла қувват билан ишлагач, юқоридаги кўрсаткич икки баробар ортади, яна 150 нафар қишлоқ ёшларини иш билан таъминлашга имкон яратилади.

• Навоий кон-металлургия комбинати «Баркамол авлод йили» Давлат дастури доирасида жисмоний имконияти чекланган болалар ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига хайрия ёрдами кўрсатиш мақсадида 300 миллион сўмлик маблағ ажратди. Жумладан, ушбу маблағ эвазига Кармана туманидаги 25-маҳсус мактаб-интернати устахонаси жиҳозланиб, Қизилтепа туманидаги 36-маҳсус мактаб-интернат ҳамда Навоий шаҳридаги Меҳрибонлик уйига ўқув жиҳозлари олиб берилди.

ЖАҲОНДА

• Бугун Буюк Британияда ўтказилган парламент сайловларида 45 миллион сайловчи ўзига маъқул бўлган учта партиядан биттасининг етакчисига овоз берди. Ижтимоий сўровларга кўра, сайловлар олдида 13 йил муҳолифатда бўлган консерваторлар етакчилиги қилганди. Сайловнинг якуний натижалари эртага эрталаб маълум бўлади.

• Япония ва Жанубий Африка Республикаси атом электр станциялари қуриш борасида ҳамкорлик қилади. Шу муносабат билан Претория шаҳрида икки давлат ташқи ишлар вазирлари иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар лойиҳани атрофлича муҳокама этишди. Келишувга кўра Япония Жанубий Африка Республикасида бунёд этиладиган атом электр станцияларини зарур технологиялар билан таъминлашни ўз зиммасига олди.

• АҚШнинг «United Airlines» ва «Continental Airlines» компаниялари бирлашишга келишиб олди ва шу тариқа дунёдаги энг катта авиакомпанияга асос солинди. Яъни, 700 дан ортиқ самолётга эга бўлган мазкур авиакомпания кунига минглаб мижозларга хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлади. Бирлашган авиакомпаниянинг «United» номи остида фаолият олиб бориши кўзда тутилмоқда.

• Кеча Греция пойтахти Афинада мамлакатнинг кескин иқтисодий сиёсатидан норози бўлган кўп минг сонли намойишчилар оммавий тартибсизликларни келтириб чиқардилар. Шумладан, улар дўконлар ойналарини синдиришди, банклардан бирини ёқиб юборишди. Натижада, уч нафар банк ходими ҳаётдан кўз юмди. Мамлакат бош вазири Г.Папандреу айбдорлар албатта, топилиб жазоланишини таъкидлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

БОЛАЛАР СПОРТИ ОБЪЕКТЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бежинида, спорт билан шуғулланиш самарадорлиги - 19 ёшгача бўлган спортчи болалар ва ёшлар орасидан етиштиб чиққан республика ва халқаро мусобақалар совриндорлари сони.

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Молия вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлигининг, манфаатдор вазирликлар, идоралар, ҳўжалик субъектлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иловага мувофиқ алоҳида жойлашган болалар спорт объектларини Халқ таълими вазирлиги органлари билан биргаликда таъмирлаш, уларнинг зиммасига мазкур объектларни бундан кейин тегишли даражада сақлаш ва улардан самарали фойдаланиш учун жавобгарлик юклаган тўғрисидаги тақлифни қабул қилинсин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳўнар таълими маркази, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, таълим муассасалари ҳамда спорт иншоотларининг раҳбарлари зиммасига болалар спорт объектларининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши, уларнинг замонавий спорт ускуналари ва анжумлари билан жиҳозланиши, малакали тренер кадрлар билан таъминланиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

Вазирлар Маҳкамаси ҳар бир алоҳида жойлашган болалар спорт объектининг тегишли даражада сақланиши ва самарали фойдаланилиши устидан назоратни кўчатирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ҳамкорликда бир ой муддатда спорт секциялари ва тўғарақларидиги машғулотлар жадвалларини макбуллаштириш, ҳар хил спорт турлари, энг аввало бадий ва спорт гимнастикаси, спортнинг ўйин турлари бўйича янги қўшимча секция ва гуруҳлар ташкил этиш ҳисобига болалар спорт объектларидан фойдаланиш даражасини ошириш чора-тадбирларини кўрсинлар.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги болалар спорт иншоотларининг тренерлар билан таъминланганлигини танқидий таҳлил қилиш бўйича уч ой муддатда болалар спорт объектларини тасдиқланган шарт жадвалига мувофиқ малакали тренер кадрлар билан тўлиқ таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирларни амалга оширсин, қишлоқ болалар спорт объектларини хотин-қиз тренерлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратсин;

Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтининг ҳамда базавий олий ўқув юр்தларининг жисмоний тарбия факультетлари негизда тренерлар малакасини ошириш тизимини ташкил қилсин, ҳар бир тренер камда 2 йилда бир марта шу тизимдан ўтатдиган бўлсин;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан ҳамкорликда бир ой муддатда мутахассис тренерларнинг тарбияланувчилар спорт маҳоратига эришганлиги, республика ва халқаро мусобақалардаги чиқиларининг самарадорлиги учун улар меҳнатини рағбатлантиришни кўчатириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари билан ҳамкорликда болалар спорт объектларининг спорт анжумлари ва ускуналари билан жиҳозланишининг батафсил инвентаризацияси асосида ишлаб чиқилган нормативларга мувофиқ уларни янада тўлиқ жиҳозлаш, эскирган ашёларни ўз вақтида янгилаш ва алмаштириш бўйича аниқ тақлифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Спорт турлари бўйича республика федерациялари Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда

республика ҳудудларида, айниқса қишлоқ жойларда, тизимли асосда болалар спорт иншоотлари негизда республиканинг етакчи спортчилари, Олимпиада ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро мусобақалар чемпионлари ҳамда совриндорлари иштирокида кўргазмали маҳорат сабоқлари ўтказилишини ташкил этсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги манфаатдор вазирликлар, ҳўжалик бирлашмалари ва корхоналари билан ҳамкорликда 2010 йилнинг 1 сентябригача болалар спорт объектларининг футбол, волейбол, баскетбол, гандбол ва теннис спортлари, бадий ҳамда спорт гимнастикаси учун спорт ашёларига бўлган эҳтиёжларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун республикада уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Ўзстандарт" агентлиги ишлаб чиқарилаётган спорт товарларининг, шу жумладан ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган материаллар ва бутловчи буюмларнинг сифати, уларнинг санитария нормалари ва халқаро стандартларга мувофиқлиги устидан қатий назорат ўрнатсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги жойлардаги болалар спорт объектларини сақлаб туриш, анжумларни янгилаш, шарт жадвалига риоя қилиш, тренер-мутахассисларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш учун маблағларнинг ўз вақтида ажратилиши ва улардан мақсадли фойдаланилиши устидан тизимли ҳамда қатий назорат ўрнатилишини таъминласин. Айбдор шахсларга нисбатан қонунчиликка биноан қатий жазо чоралари қўлланилсин.

12. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2010 йил 5 май

СИФАТ — АСОСИЙ МЕЗОН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўсиш суръати 2008 йил билан солиштирилганда 155 фоизни ташкил этиб, 110 миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди. Айниқса, попопчи-чеварларнинг маҳорати намунаси бўлган сўзана, зардевор, чойшаб ва бошқа каштачилик буюмлари, миллий либослар, тикув маҳсулотларининг янги турлари хариддорларни мамнун этди.

— Ўтган йилда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, маҳсулот турларини кўпайтириш натижасида 12,5 миллион сўм соф фойда олишга эришдик, — дейди корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Х.Шоқбарова. — Попопчиликда эришаётган ўзига хос ютуқларимиздан ташқари, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг байроқларини ҳам буортма асосида тайёрлашни йўлга қўйганмиз. Давлатимиз байрогини тикиш бизнинг зиммасига юклатилган катта масъулият бўлиб, албатта бу ишончи сифатга эътибор қаратган ҳолда оқлаша интиляямиз. Яхши маълумки, тайёрлаётган байроқлар давлат стандартига мос бўлиши шарт. Танланган хом ашё — матолар ҳам талабга жавоб бериши керак. Корхонамизда мана шу талабларга ҳамшиа амал қилинади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, республикамиз байрогини тайёрлаш Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 30 декабрдаги қарори билан фақат маҳаллий саноат корхоналари зиммасига юклатилган бўлиб, улардан бири эканлигимиз бизни қувонтиради.

Корхонада жорий йилда ҳам маҳсулотнинг хариддорлар турларини кўпайтириш, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, буюртмаларни сифатли ҳолда эши мақсад қилинган алоҳида имкониятлардан самарали фойдаланилмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: «Шарқ гули» МЧЖ фаолиятинда давда Қозим Ўлмасов олган сурат

Сўз — анжуман иштирокчиларига дунёнинг кўплаб мамлакатлари ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсатидан ибрат олишга интиломқда

ЎЗА муҳбирлари Осиё тараққиёт банки (ОТБ) Бошқарувчилар кенгашининг 1-4 май кунлари Тошкентда бўлиб ўтган 43-йиллик мажлиси иштирокчилари ва меҳмонлари билан суҳбатлашди.

Мото КОНИШИ, Жаҳон банкининг Марказий Осиё мамлакатлари бўйича минтақавий директори: — Форумнинг очилиш маросимида Президент Ислам Каримовнинг сўзлаган нутқи анжуманнинг нуфузини янада оширди. Нутқда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт ҳамда инқирозни бартараф этиш борасида олиб бораётган изчил чора-тадбирлари жуда кенг ва теран таҳлил қилинди.

Менга, айниқса, давлатингиз раҳбарининг истиқлол йилларида «Янги уй қурмаганга тўра, эскисини бузмаган» деган ҳаётий тамойилга амал қилиб иш тутгани жуда маъқул бўлди. Ушбу тамойилга асосланиб юритилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсат самараси ўлароқ, бугун Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги нуфузи тобора юксалиб бормоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлашни истардимки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоа, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилаётгани ўзининг юксак самараларини бермоқда. «Навий» эркин-индустриал иқтисодий зонасида ишбилармонлар, жумладан хориж бизнес одамлари учун яратилган қўлай шaroит, берилган кенг имконият ва имтиёзлар бунинг далилидир.

Ўзбекистон билан Жаҳон банки ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб келиб катта эътибор қаратишни истар эдим. Мамлакатингиз билан ёқилиб-энергетика, қишлоқ ҳўжалиги, ахборот технологиялари ва дастурий таъминот каби соҳаларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ишларни янада кенгайтирмоқчимиз.

Ўзбекистон иқтисодиёти юксак суръатларда ривожланмоқда. Бу омилни мамлакатингизга киритилган чет эл сармоясини ҳамининг тобора ортиб бораётгани ҳам яққол кўриш мумкин. 2009 йилда — глобал молиявий-иқтисодий бўҳрон даврида ялпи ички маҳсулот ўсиши 8,1 фоизни ташкил этгани кўлга киритилган бундай ютуқларнинг ёрқин намуналаридандир. Ушбу кўрсаткичнинг янада ошишига ишончим комил. Шу боис дунёнинг қўллаб-қувватлаётган мамлакатлари Ўзбекистонда юритилаётган иқтисодий сиёсатдан ибрат олишга интиломқда.

Наото КАН, Япония бош вазирининг ўринбосари, молия вазир:

— Мамлакатингизда бундай нуфузли анжуманнинг ташкил этилиши Ўзбекистоннинг юксак сиёсий обрў-эътибори ва улкан иқтисодий салоҳияти намоёнидир. Яхши маълумки, Ўзбекистон молиявий-иқтисодий инқироз гирдобига тушмади. Мамлакатингиз юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини сақлаб қолишга эришди. Бу Ўзбекистонда юритилаётган оқилона иқтисодий сиёсат самарасидир.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар қўллаб-қувватлашга қўллаб-қувватлаш, Хусусан, савдо-иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорлигимизнинг муваффақиятли ривожланиётганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Лу БРЕФОР, Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги доимий ваколатхонаси раҳбари:

— Мазкур анжуман долзарблиги билан дунёнинг барча мамлакатларида катта қизиқиш уйғотди. Мажлис иштирокчилари қўллаб-қувватлаш ва фойдаланиш маълумотлар олиш, таҳрибга аламлиш имконига эга бўлдилар.

Иқтисодий барқарорликка эришишнинг энг тўғри йўлини танлаган юртингизда банк-молия тизимида узокни қўллаб-қувватлаш асосида иқтисодий инқироздан жиддий зарар кўрмади. Ўзбекистон бу борадаги иқтисодий ислохотлар кўламининг янада кенгайтиришига ва бу юксак самаралар беришига ишонман. Боиси, банклар ҳар бир мамлакат иқтисодиётининг қўллаб-қувватловчи муҳим манбадир. Давлатнинг иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан ушбу молиявий тизимнинг фаолиятига боғлиқ.

Юртингизда инқирозга қарши чоралар дастурий амалга оширишда банк секторига зарур ёрдам кўрсатиш билан бир қаторда, экспортга йўналтирилган корхоналарга тегишли имтиёз ва преференциялар бериш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш ҳисобидан харажатларни камайтириш ва даромадни кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган ишлар эътиборга олини.

Рудольф-Жозеф Рашад КАЛЬДАНИ, Халқаро молиявий корпорация вице-президенти (АҚШ):

— Юксак савияда ташкил этилган ушбу анжуманга пухта тайёрлик қўрилгани яққол сезилиб турди. Мажлис баҳасида мамлакатингизда иқтисодий барқарорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини ошириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламадаги ишлар билан ҳам танишдим. Мазкур анжуман, шунингдек, турли мамлакатларнинг етакчи экспертлари, олим ва мутахассислари билан ўзаро фикр ва таҳрибга аламлиш имконини берди.

ОТБ Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг Ўзбекистонда ўтказилганининг ўзи мамлакатингизда иқтисодиётни барқарорлаштириш борасида олиб борилаётган ислохотларнинг юксак самараларидандир. Қўллаб-қувватлаш иқтисодиётига жиддий зарар етказган глобал молиявий-иқтисодий инқироз Ўзбекистон эркин иқтисодий бозор муносабатларига бошқича-бошқич ўтиш йўлини танлаб жуда тўғри иш тутганини яна бир бор тасдиқлади.

Ташриф асосида, мамлакатингиз банклари билан ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан муайян келишувларга эришганимиздан гоят мамнунмиз.

ЎЗА муҳбирлари Ирода УМАРОВА, Мадина УМАРОВА, Нодира МАНЗУРОВА

ёзиб олди

9 май — Хотира ва қадрлаш куни

ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ

Ўзбек халқи ўзининг сахийлиги, муруввати, ҳиммати билан тилга тушган. Бундай хислатлар эгалари ўз ақинлари, кадрдонларига фақат яхшилиқ, эзгулик улашади.

Бизнинг қахрамонимиз асли касби ўқитувчи бўлган Насимхон Болақўзиев Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан кўнгилчилар сафига жангу жадалларда мардонавор иштирок этди, аммо уйига ногирон бўлиб қайтди. Соғлигини йўқотган Насимхон ўз касби ўқитувчиликни давом эттирма олмади. Жисмоний имконияти чекланган бўлишига қарамасдан, ўзини синая кўришга қарор қилди. Авваламга жамоа ҳўжалигида, Тошкент политехника ҳамда автомобиль йўллари институтларида боғбонлик қилиб, гулзорлар яратди. Кейинчалик «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалиги ҳудудидида ташланмади жойини обод қилишга киришди. Насимхон ота фарзандлари билан биргаликда анча машаққат билан ажриқорларни тоза-лаб, ариқ қазиб, сув чиқарди. Обод қилинган жойга турли хил мевали дарахтарлар экилиб, гўзал бир маскан барпо этилди. Сақиз минг тул терак қаламчалари барқ уриб, катта дарахта айланди.



— Биз асли себзорлик бўлиб, Жараиқ даҳасида дала ҳовлимиз бўларди, — дейди камтарлик билан Насимхон ота. — Ота-оналаримиз боғдорчилик билан шуғулланишган. Шунинг учун бўлса керак, болалгимдан тупроқ билан боғланганман. Уша пайтлардаёқ кўнглимга агар имконият тўғрисида, албатта бир боғ яратаман, деган ниятни туғиб қўйган эдим. Насимхон ота билан қайси соҳада гаплашманг, билимдонлиги, зукколигига тан бериш мумкин. Агар йўлингиз Навий кўчасига тушса, Чорсу то-

монга кетаверишда ўнг тарафда қўйилган паннолар орасидан жажжи болажонлар қуршовида турган уч мўйсафид нуруний отахонларга кўзингиз тушади. Улардан иккиси — элшунас олим, тарих фанлари номзоди Билал Аминов ва шoir, ҳарбий шифокор Искандар Раҳмонни ҳойнаҳой сиз яхши танийсиз. Уртадаги нуруний мақоламиз қахрамони Насимхон Болақўзиевдир. Кўзларидан нур, зиё таралиб турган бу замондошларимиз юртимиз фидойилари. Юрт равнақи, халқ фаровонлиги, мамлакат осоийшати йўлида хормай-толмай меҳнат қилаётган жонқурлардир. Искандар Раҳмоннинг айтишларича, Насимхон Болақўзиевнинг яхшигина овозлари бор экан. Йўғилиб қолишганда, Насимхон ота жарангдор, соҳир овоз соҳиби сифатида мумтоз кўшиқларимиздан ҳиргойи қилиб берад эканлар. — Мен Насимхон отанин бағри кенглигига, сахийлигига, ҳиммати, мурувватига тан берганман. Барпо этган боғларига ҳамшиа таниган киши-

ларни чорлаб турадилар, — дейди Искандар ака. Ҳа, бизнинг орамизда Насимхон отадек савобта-лаб, бировларга ёрдам қилиши чўзадиган юртодшларимиз сироб. Бу дунёда биров кўприк қуради, биров мактаб солади, ташланмади жойларини обод қилади, сув чиқаради, ариқ қазибди, лекин қилган ишларини ҳеч қачон бировларга пеш ҳам қилмайдди, мактанмайдди ҳам. Оловли жангларда икки оёғидан айрилиб, имконияти чекланган бўлса ҳам, ҳамшиа матонатли, жасоратли, нозик дидли, заковатли, география фани ўқитувчиси, боғбон Насимхон отанин қилган ишларига тасанно деймиз, уларга чин дилдан ҳавас қиламиз. Хотира ва Қадрлаш кунинда Насимхон ота 90 ёшга қаршлайдилар. Биз отахонни бу табарруқ ёшлари билан чин дилдан кутлаб, умрингиз узун, бағрингиз ҳамшиа бутун бўлсин, деб ниат қиламиз. Гулчехра КАРИМОВА СУРАТДА: Насимхон ота Болақўзиев (уртада) Билал Аминов ва Искандар Раҳмон билан.

Мунис, меҳрибон, мушфиқ, ҳокисор, меҳнатқаш ва меҳроқибатли омажоним, сиз ҳақингизда хотира ёзишни, кўнглимдаги адоқсиз соғинч ва армонларни қоғозга туширишни кўпдан бери ўйлаб келаман. Лекин қоғозга ёзаётган сатрларим соғинч ёшларига кўмилидию юрак тинимсиз безовталиқдан тез-тез уриб, қалам ушлаган кўлларим ўзимга бўйсунмай, аро йўлда қолиб кетади.

ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИДА ЯШАЙСИЗ

Сизни йўқотганимизга уч йил бўлибди. Дунё шундай экан-да, ҳаётда яқин инсонлардан айрилсанг, армон ва соғинчдан яшолмайман, деб ўйлайсан. Лекин ҳаёт давом этади. Оила, фарзандлар, хизмат... Турмушнинг қувончу ташвишлари сени ўз гирдобига чулғаб, хотира, ҳаёллар оғушидан узокларга олиб кетади...

Опажоним, бу сизни унутиб яшай бошладим дегани эмас. Меҳрибоним, кўзимни юмсан, сизнинг бир нарсадан хижолат тортадех маъно қулимсираб турган чехранинг намоён бўлади. Қанчалар камтар, камсуқум, фарзандларингиз ва яқинларингизга меҳрибон, ғамхўр эдингиз. 30 йилдан кўп Республика онкология ва радиология илмий-текшириш институти қошидаги поликлиникада бош ҳамшира бўлиб ишлагингиз. Уз ишингиз, касбингиз масъулиятини чуқур ҳис қилишингиз, ширин сўзингиз, барчага бирдек яхши муносабатингиз боис жамоада алоҳида ўрингиз, муносиб обрў-эътиборингиз бор эди. Сизни қанчалар яхши кўришганини ҳамкасбаларингиз Машхура, Гулчехра, Дилфуза, Зулфия опаларнинг кўзларидан шашқатдор ёш оққанида яна ҳам чуқурроқ англадим.

Опажон, самимийлик, беозорлик сизнинг наинки сўзларингизда, балки бутун борлигингизда буй кўрсатиб турарди. Сиз ҳеч қандай бойлик билан ўлчо-ви топилмайдиган мана шу фазилатларингиз тўғрисида ўзингиз яшайдиган «Янгиобод» маҳалласида катта ҳурмат-эҳтиромга, қўли энгил ҳамшира деган эътиборга эга бўлган эдингиз. Табарруқ бою буювлар, катта-кичиклар алқови, ёшлар иззат-иқромини кўргангизда, қимтинибгина қулиб қўярдигиз.

Опажон, опа-сингилларингиз ва яқинларингизга қанчалар меҳрибон, жонфидо эдингиз. Ешлиқ қилиб айтганингизни қилмай ёки галингизни қайтариб, дилнингизни оғритсанг ҳам, ҳеч уришмас, ақинча шундайми, дея бозор қулиб қўя қолардингиз.

Опажон, тақдирнинг ёзуғини қаран-

ки, сиздай беозор инсон, фидойи аёл, фарзандларини еру кўкка ишонмайдиган меҳрибон она оғир даргда чалиниб чорасиз қолди. Шифокорларнинг югуриб-елгани, фарзандларнинг ҳамма дори-дармонини топиб, кўрсатмаган шифохоналари қолмади, бари бефойда бўлиб, аёвсиз дард чекинмади. Шунда мен яна бир бора сабр-матонат, ироданинг олдида хол қолдим. Касаллик сизни бутунлай қолдан тойдириб, қаттиқ оғриқдан қалдингиз дол бўлганидан ҳам, овоз чиқариб йўғилгани, ялиниб-ёловриб, барчани безовта қилишни ўзингиз учун ор деб билдингиз. Ҳаётдан кетаётганда ҳам, мардларча мийибгида кулимсираб кетишга куч топа олдингиз.

Опажон, бугун фарзандларингиз сизнинг эзгу ишларингизни давом эттириб, набираларингиз номингизни ёдда тутиб, руҳи покингиз олдида доимо таъзимда.

Ховлингизга бир олам хотиралар гирдобига кириб келар эканман, кўз ёшларини қуюлади, юрак бу аламини кўтаролмай, фарёд уради. Шу чоғ «Холажоним келдилар» деган жарангдор овоз янграйди. Кўзларимга ишонмайман, опажон, бир олам меҳр билан гўёки сиз чопиб чиқдингиз, сиз билан меҳроқибат, қон-қардошликнинг узилмас ришталари мени бағрига олгандек бўлди. Ҳа, опажоним, севимли набираингиз, меҳрингиз ардоғида катта бўлган Гулнора тимсолди сизни, маъсума нигоҳингизни кўргандек бўлдим. Уни бағримга олар эканман, опажон, фарзандларингиз, набирау яқинларингиз қалбида ҳамшиа барҳаётсиз, деб баралла айтгим, айрилиқни тан олгиси келмаётган юракларга тасалли бергим келди.

Опажон, хотиралар тутқич бермай, мени қийнамоқда, ёзганларимдан эса кўнглим тўлмай қўйяламан. Сиз биз учун сабр-матонат, ҳалоқлик, камтаркамсуқумлик тимсоли эдингиз. Ҳамшиа шундай бўлиб қолади. Юрагимизда, қалбимизда доимо сиз барҳаётсиз.

Шоира МУҲАМЕДОВА

ХАТЛИК ЭЛЕКТРОЛАРИ

ДУШАНБА, 10

«Ўзбекистон»

Хурматли телеомошбинлар! Профлактик мундари Билан 10 май кун «Ўзбекистон» теледионалида ўз кўрсатувларини соат 14.55дан бошлади.

14.55 Кўрсатувлар дастури. 15.00 «Таджиклар». 15.40 ТВ - ананс.

15.45 «Ватанпарвар». 16.25 «Радиога ташриф». 16.40 «Ички дарё оралигида».

17.00 «Ахборот». 17.10 ТВ - ананс. 17.15 «Хайт ва қонун».

17.35 «Боллар сайраси». 17.35 «Эрталаб - яхшиликка етаклар».

17.55 «Сизнинг адвокатингиз». 18.00 «Олтин мерос».

18.00 Миллий сериал: «Бог». 18.50 «Ватан манзиллари». 19.15 «Ифтикор».

19.20 «ТВ - шифокор». 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар. 20.05 ТВ - ананс.

20.10 Миллий сериал: «Умр манзаралари». 20.45 «Ватанимни қуйлайман».

21.00 «Ахборот». 21.35 ТВ - ананс. 21.40 2010 йил - Барқамол авлод йили.

21.55 «Бетховен вируси». Т/с. 22.00 «Икки». 22.40 «Биз полицияданамиз».

Б/ф. 1-қисм. 01.00-02.00 «Оғун». 02.20 Кўрсатувлар дастури.

03.00 «Олтин мерос». 03.35 «Ватан манзиллари». 04.00 «Ахборот».

04.30 ТВ - ананс. 04.35 ТелеТварт: «Дархатлар тик туриб жон беради».

05.25 «Икки дарё оралигида». 05.45 - 5.55 «Оғун».

6.30 «Салом, ёшлар!». 7.10 «Давринг боласи».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

23.45 «Мисли вилхун». 23.50 «Ананс». 23.55 Кўрсатувлар тартиби.

00.20 «Пойтахт». /рус/. 00.20 «Ананс». 00.25 «У камин».

00.55 Ночной сванс: «Проклятие золотого цветка». Х/ф. 2.30 «Қадр ортида».

2.45 «Ананс». 2.50 «Замин гаройботлари». Х/ф. 1-қисм.

3.25 Тунги киносеанс: «Оцеола». Б/ф. 5.00 «Пойтахт».

5.20 «Ананс». 5.25 «Икким». 5.30 «Салом, Тошкент!».

6.30 «Икким». 6.35 Миллий сериал «Ўзи уйланмаган совчи».

7.00 «Ананс». 7.05 «Уларимиз». 7.10-7.25 Тонгги навалар.

7.00 «Хайрли тонг!». 7.05 «Ананс».

7.15 «Хабарлар». 7.25 Боллар майдончаси: «Ахборот».

7.50 «Ананс». 8.00 «Тренируемся вместе».

8.15 «ХАБАРЛАР». 8.25 «Ананс».

8.30 «Малахов +». 9.20 Футбол. Чемпионат Италияи.

11.00 «Ананс». 11.05 ТелеТварт: «Жиро д' Италия».

12.00 «Кўнлик велопега». 12.35 «Ананс».

13.00 «Салом, ёшлар!». 13.30 «Салом, Тошкент!».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

22.15 Боевик «Картонный долг». (США). 09.15 «Главная дорога».

00.50 Х/ф «Птица». (США). 00.50 Х/ф «Холм одного дерева». (США).

07.07 Х/ф «Семейка Адамс. Восхождение». 08.45 «Впереве на арену».

09.20 «М/шарики». М/с. 09.30 «Финис и Ферр». М/с.

10.00 «Скуби Ду и кибер-погоня». М/ф. 11.20 Х/ф «Затура. Космическое приключение».

13.15 Х/ф «Петрака отважная». 14.45, 17.00, 17.30 «5 кадров». Т/с.

18.20 «6 кадров - 5 лет!» Юбилейный концерт. 20.20 Х/ф «Такси».

22.00 Х/ф «Такси-4». 04.30 Х/ф «Ниведз-3. Подчинение».

06.50 Музыка на СТС. 5.55 Кўрсатувлар дастури.

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 7.00 «Ахборот».

7.50 «Онам ва одам» дастури: «Мовий уммон қарийда».

7.50 «Тонгги навалар». 8.00 «Ахборот».

8.35 ТВ - ананс. 8.40 - 9.40 «Манаъият» дастури.

«Боллар сайраси»: 9.40 «Хоразм кутубхона».

10.00 «Хизмат вилоти телерадиоканали».

11.00 Миллий сериал: «Бог». 11.50 «Ахборот».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

9.45 Миллий сериал: «Ўзи уйланмаган совчи». 49-қисм.

10.10 «Қонун доирасида». 10.25 «Ананс».

10.30 «Пойтахт». /рус/. 10.40 «Дом собаки». Т/с 1-қисм.

11.05 «Будьте здоровы». 11.15 «Точка зрения».

11.25 «Самодиагностика». Б/ф. 1-қисм. 12.55 «Ананс».

13.00 «Салом, Тошкент!». 14.00 «Дуни» телестудияси.

14.55 «Уларимиз». 15.10 «Пойтахт».

15.15 «Эмеральда». Т/с 99-қисм. 15.45 «Хабарлар».

16.30 «Икким». 16.35 Миллий сериал «Ўзи уйланмаган совчи».

17.10 «Ананс». 17.15 «Хабарлар».

17.35 2010 йил - Барқамол авлод йили: «Эртанимиз агадари».

17.50 «Ананс». 17.55 «Ананс».

18.20 «Ананс». 18.25 «Ананс».

18.30 «Ананс». 18.35 «Ананс».

18.40 «Ананс». 18.45 «Ананс».

18.50 «Ананс». 18.55 «Ананс».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

23.50 «Гении и злодеи». 00.25 Худ. фильм «Любовь и неприятности».

02.05 Сервал «Как я встретил вашу маму». 02.05 «Ананс».

02.10 «Пойтахт». /рус/. 02.20 «Ананс».

02.30 «Пойтахт». /рус/. 02.40 «Дом собаки». Т/с 2-қисм.

02.50 «Ананс». 02.55 «Ананс».

03.00 «Ананс». 03.05 «Ананс».

03.10 «Ананс». 03.15 «Ананс».

03.20 «Ананс». 03.25 «Ананс».

03.30 «Ананс». 03.35 «Ананс».

03.40 «Ананс». 03.45 «Ананс».

03.50 «Ананс». 03.55 «Ананс».

04.00 «Ананс». 04.05 «Ананс».

04.10 «Ананс». 04.15 «Ананс».

04.20 «Ананс». 04.25 «Ананс».

04.30 «Ананс». 04.35 «Ананс».

04.40 «Ананс». 04.45 «Ананс».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

04.00 «Утро России». 08.05 «Честно имеем».

08.05 «Честно имеем». Владимир Иванович. 09.00 «О самом главном».

10.00 «Вести». 10.30 «Местное время. Вести - Москва».

10.50 Т/с «Богатая и любимая». 11.45 Т/с «Путь к сердцу».

12.40 «Вести. Дежурная часть». 13.00 «Вести».

13.30 «Местное время. Вести - Москва».

13.50 Т/с «Каменская». 14.45 Т/с «Путь к сердцу».

15.10 «Вести». 15.40 «Вести».

16.00 «Вести». 16.30 «Вести».

16.45 «Вести». 16.50 «Вести».

17.00 «Вести». 17.30 «Вести».

17.45 «Вести». 17.50 «Вести».

18.00 «Вести». 18.30 «Вести».

18.45 «Вести». 18.50 «Вести».

19.00 «Вести». 19.30 «Вести».

19.45 «Вести». 20.00 «Вести».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

6.35 Миллий сериал «Ўзи уйланмаган совчи».

7.00 «Ананс». 7.05 «Ананс».

7.10-7.25 Тонгги навалар. «Спортландия».

7.55 «Ананс». 8.00 «Ананс».

8.15 «ХАБАРЛАР». 8.25 «Ананс».

8.30 «Малахов +». 9.20 Футбол.

11.55 Велоспорт. «Жиро д' Италия».

12.00 «Кўнлик велопега». 12.35 Футбол тарихи.

13.00 Рақамлар, натижалар, рейтинглар.

13.05 Боллар майдончаси: «Спортландия».

13.30 «Ананс». 13.35 «Ананс».

13.40 «Ананс». 13.45 «Ананс».

13.50 «Ананс». 13.55 «Ананс».

14.00 «Ананс». 14.05 «Ананс».

14.10 «Ананс». 14.15 «Ананс».

14.20 «Ананс». 14.25 «Ананс».

«Ўзбекистон»

«Ўзбекистон»

15.30 Т/с «Ментовские войны». 17.30 «Чрезвычайное происшествие».

18.00 «Сегодня». 18.30 Т/с «Десант есть десант».

20.30 Т/с «Час Волкова». 21.30 Футбол.

23.40 Комедия «Доплекс». (США - Германия).

01.20 Х/ф «Вкус крови Дракулы».

03.15 «Особо опасен!». 04.05 Т/с «Холм одного дерева».

07.00 «Стальной алхимик». М/с.

07.55 «Смешарики». М/с. 08.00 «Что нового, Скуби Ду?».

08.30, 10.30, 16.30 Т/с «Папины дочки».

09.30, 21.00 Т/с «Воронины».

10.00, 00.45, 01.00 «6 кадров». Т/с.

11.00, 22.00 «Маргоша». Т/с.

12.00 Х/ф «Школа рока». 14.00 «Ички».

14.30 «Железный человек». М/с.

15.00 «Настоящие охотники за привидениями».

15.50 «Бешеный Джек-пират». М/с.

ПАЙШАНБА, 13

«Ўзбекистон»

5.55 Кўрсатувлар дастури. 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!».

7.00 «Ахборот». 7.50 «Онам ва одам» дастури: «Мовий уммон қарийда».

7.50 «Тонгги навалар». 8.00 «Ахборот».

8.35 «Ананс». 8.40 «Ананс».

8.45 «Ананс». 8.50 «Ананс».

8.55 «Ананс». 9.00 «Ананс».

9.05 «Ананс». 9.10 «Ананс».

9.15 «Ананс». 9.20 «Ананс».

9.25 «Ананс». 9.30 «Ананс».

9.35 «Ананс». 9.40 «Ананс».

9.45 «Ананс». 9.50 «Ананс».

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

«Республика Қўмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! I. Аукцион савдосига такронан Яқсарой тумани СИБ томонидан қуйдаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: — УК «Газчириқ» корхонасида сақланган (11.12.2008й, №2-70, 2907 ижро ҳужжати): 1. «VOLVO FH 12» русумли, д/р 18S0002 бўлган, 1998 йилда и/ч автотранспорт воситаси.

«Республика Қўмас мулк биржаси» ЁАЖ бошлангич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамасининг 31.12.2009 йилдаги №343-сонли қарорига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон «Sifat» пахта талаш сертификатлаш марказининг 28.04.2010 йилдаги №93-П-сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон «Sifat» пахта талаш сертификатлаш марказига тегишли, Тошкент шаҳри М.Уйғур кўчаси, Қизил шарқ берк 109-ўй манзилда сақланган «ВАЗ-21061» русумли, д/р 10AR591 бўлган, 1996 йил и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда.


ҚУТЛАЙМИЗ!

МУХТАРАМ МУРТАЗО СУЛТОНОВИЧИ

Сизни 7 май — таваллуд кунингиз билан самимий муворабод этиб, қувончингизга шерик бўлиш биз, шогирдларингизга алоҳида мамуният бағишлайди.

Сизни Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикаларида хизмат кўрсатган бинакор, Республика Муҳандислар академияси академиги, олий ва халқ таълими ёлчоси, иқтисод фанлари номзоди, малакали мутахассиси ва аjoyиб инсон сифатида биланамиз. Сизга узок, сермазмон, безавол умр кечирини насиб этишини тилаб қоламиз. Оилангиз, ёру дўстларингиз бахтига ҳаммиз соғу саломат бўлинг.

Хурмат билан шогирдларингиз Улугбек Абдуллаев, Муртазо Раҳматов, Раҳимжон Ақромов, Ҳабибулла Турсунов, Нарзулла Ҳамраев.



Сизни 7 май — таваллуд кунингиз билан самимий муворабод этиб, қувончингизга шерик бўлиш биз, шогирдларингизга алоҳида мамуният бағишлайди.

